— Нима қўлмокчизислар? — дедим гапни чувалаштириб ўтириам.

— Бир йилдан бери бирга яшамиз.

— Борди-ю болам яхши топмаганда, сиз у билан яшармидингиз?

— У мени ўзи излаб топган.

— Эркакнинг фариштаси бўлуди, уни «сен»ламанг.

— Унга ўшаганинлар тикилиб ётиби.

— Сиз болали экансиз, ўзингиздан анча-мунча ёш, уйланмаган ийгитни ўйлдан оздириб, бекор иш қилибсиз.

— Ф...

— Олдингизда гулдеккина ўғлингиз бор экан, ҳеч бўлмаса шундан ийманинг.

— Индамасам, жуда гапирадиган экансиз-ку, ана ўғлингиз, керак бўлса олиб кетаверинг. Мен унинг ёқасига ёпишиб олганим йўқ...

Ташқарига чиққанимдан кейингина унинг сўзлари ичимиш ёндириб юборганини сиздим. Уша куни ётиб қолдим. Сен буни сизмадинг. Шу ётганимча мана, ҳалиям ётибман. Сендан эса даражада йўқ.

Жон болам, фунчадек ҳәйтингнинг сўлишини сира-сира истамайман. Танангяна бир ўйлаб кўр, кўзим... Агар шу аёл инсоғи бўлса, кўзи очилмаган, сенекавиҳонли бағрига тортарми? Бу гапларимга ёхтимол, ҳозир тушунмассан. Менда ҳам катта хато бор, болагинам. Кўзимнинг битта-ю битта оқу қораси деб сени ядим, авайламид. Кўни-кўшини бўш кўйяпсиз, кўнглига қарайсан, дейишса кулоқ солмадим. Мана, оқибати!

Сен бариби менинг набирамсан, ёлгизимдан қолган ёѓоримсан. Тўғри, ўйимдан одамлар узилмайди. Лекин ҳеч ким сенинг ўрнингни боса олмайди. Йигитлик шаънини асраром, ҳалол яшамок, никоҳи ҳаёт курмоқ ва буни одамларга билдириб, ош бермок ҳам катта баҳт экан. Шу баҳтини кутаяпман, болагинам, бағримга қайт!

Яира САДУЛЛАЕВА

# БАГРІМГА ҚАЙТ

## БОЛАТННАМ!

косани кўтардинг... Кейин косани хонтаха устига зарда билан кўйдинг. Бирдан менга — бувижонингга тикилиб қолдинг. Сўнг бўйнингга осилиб хўнграб ийлаб юбординг.

Эрталаб ўйондинг, зўрга ўрнингдан кўзғалдинг. Қатиқ берсам, бир амаллаб уч-тўрт кошик ичдинг. Ноңуштага қайрилиб ҳам қарамадинг.

— Сени нима жин урди? Тоғдек йигит уйламасми? Ўзингни сал йигиб ол... — дедим иложи борича юмшок оҳангда гапиришга ҳаракат қилиб.

— Нима бўпти! — деб шундай жеркиб ташладингки, ўтирган еримга син-

ларимни юлгудек, кўчага чиқиб дод соғлудек бўлдим. На чора, тишимини-тишигма кўйдим. «Кўшнига айтсан, кўшади», деб сабр-тоқат билан тонгни кутдим. Эрталаб тўғри дўконингга бордим. Савдо килаёттага экансан. Рангинг синик кўринди. Менга кўзинг тушди-ю, нега келдингиз, дегандек хўмайриб кўйдинг. Болажоним-ей, наҳотки менинг туни билан чеккан азобим шу совуқ қарашларингга лойик эди? Одлдингдаги одам кетиши билан «кетаверинг, бора-ман», дединг кўрслек билан. Ноңуш орқамга қайтдим. Кечаси яна ширакайф келиб, одимга бир аёлнинг расмини ташладинг. Сочлари қиркилган, кулибина турди. Тикилиброк қарадим. Еши сендан анча катта ёв.

Сен ечиниб чиқиб, суратга бир қараф олдинг-да, «келинингиз», дединг дабдурдустдан. Юрагим негадир зирқираб кетди. Махалламиздаги ўзингни бирга ўқиган Малоҳатхонга майилигинг борлигини, у ҳам сенга бефарқ эмаслигини неча бор сезган, ҳатто совчиликка бора-верайми, деб розилигингни олишиш шайланниб тургандим-да, ахир.

— Нега, болам? Малоҳатхон эсли киз, хуснадай бундан каммас, — дедим суратга ишора қилиб.

— Хоҳлаганим шу! Одлдиндан айтиб кўяй. Битта боласи ҳам бор.

— Вой, ўлмасам, эсингини едингми? — у ўнта Малоҳатхон зўр!

— Йўғ-е, мен... мен бир кўрай.

— Кўрдингиз, кўрмадингиз нима, ба-риби...

— Вой, болам... — тилим гўлдираб қолди, — сал шошима.

— Аммамнинг бузогидек вақтим ўтиб кетган. Уйланманам, вассалом!

Сен бу гапларни бакириб айтдинг.

— Ўзингни босиб ол, болам. Ахир умр

## ХЕЧ КИМ

У ҳаётда омади чопмаган, ҳақ йўлни топмаган бир кимса. Иккى кўлини дунёнинг тўрт томонига чўзиб, бирор нарсанни узуб ололмаган, иғоддан бошқа «хунар» тополмаган киёфа. Ичиди сафро тулиб, улугли дъяво килиб, ўзи бахо берри ҳорган нотавон. Одамлар аллақаюн толган, назардан қолган...

У бамисли омсона бўй чўзиб ўсаётган теракка ўшайди. На меваси бор, на сояси. Танасини курт кемириб ташлагани, ёғочликка ҳам ярамайди, бирор қармайди. Киттиқроқ шамол бўлса, йиқилиб кетишидан чўйиб, ҳамма ундан ўзилиб қочади.

Манфаати бўлса тошни кемиради, сувни симидари. Теккага тошади, тегмагана сесак. Дуч келганга ёнишсанади, ё заҳар сочади. Иғоддан бошқага ярамаган худбин, ичига ин курган шайтону лайн киммидир шубҳали деб қаралайди, киммидир муттаҳам. Яна киммидир кўзига каззоб бўлиб кўрина.

## ҲАСАД


Ўнинг вужуди ўт бўлиб ёнади. Ўзини кўшишга жой тополмайди. Дарёга чопмаган, сувга чопади. Лекин канни энди, бу оловни суб билан ўчириб бўлса!

Ўзига яқин тутгандарларга кўнглини очади. Киммидир коралайди, киммандир ара қилади. Киммидир ўтиғини камситади. Гўё ўзини ҳақиқаттўй «арбоб» килиб кўрсатади.

Аммо... Одамлар кар эмас, одамлар кўр эмас, унинг оғиздан хасад деб атальмиш «фужур» илон бўлиб ўрмалаб чиқаётганини билишмас!

Таажуб! Бу илон аввало унинг ўзини кемириётганини бу кас билимларига?

Лола ЎРОКОВА



— Касбингиз тақозосига кўра ҳар куни кўплаб одамлар билан мулоқотга киришасиз. Уларнинг дардларини эшишасиз. Бу жараёнда инсоннинг табиати борасида қандай хulosага келдингиз?

— Беморларнинг дардини тинглаш учун қанча сабр-тоқтат кераклигини шу соҳа соҳибларигина билишиди. Сухбатдо беморлар, уларнинг ота-оналари турли-ча руҳий ҳолатда бўлишиди. Бизга таълим берган устозларимиз бемор қабул килишада, ўқитиш жараёнда ҳар бир инсоннинг ўз руҳияти хилига қараб ёндашишимизни ўргатишсан. Мен ҳам ўта босиқлик билан уларни тушуниб, ёрдам берисини вазифам, деб биламан. Лекин байлан кўпол, кўрс, кибрли шахслар ҳам келиб дилингизни хира килиши мумкин. Мен уларнинг шифоркорлари касби мукаддас ва инсон соглиги ҳеч нима билан баҳоламаслигини тушунишларини истаб колардим.

— Назаримда, олимларнинг болалиги ҳам ўзгача кечади. Улар болаликдан ўз интилишлари ва атроф-мухитга қарашлари билан ажратиб турдилар. Болалигингиз билан боғлиқ кечималаринги ҳакида гапирсангиз.

— Болалигим мўтабар замин Бухоронинг Жондор тумани Жўйзар қишлоғидаги ўтган. Бу ҳайтимдаги энг беғубор давларим бўлган. Энди болалигимда эсимда қолган иккита вожеани айтиб берсам...

**Биринчиси:** иккита синф ўртасида тарих фанидан мусобака ўтказилди. 10<sup>th</sup> син汾нинг турху сардори мен ва 10<sup>th</sup> син汾ники ўртогим. Барча саволларга тенг жавоб берни кела япмиз, баҳс сўнгиди ўзимиз ўқиб-тайёлранган тарих китобининг муаллифи ким? — деган савол тушди. Минг афсуски, иккни йил ўқиган китобимиз ёзган инсоннинг фамилиясини айтольмадик. Бу ҳам менга сабоқ бўлган.

**Иккинчиси:** мактабимизга раҳматли Ўйнинг домла келишадиги муносабати билан уларнинг «Алишер Навоий» номли драмасини саҳналаштиридик. Менга бобомиз Навоий ролини ўйнаш тақлиф қилинди, уч ой туни кунидига «Навоий» бўйли қолдиган. Минг афсуски, домла Ўйнинг келмадилар...

— Сиз шифокор сифатида вужуд саломатлиги билан руҳ саломатлиги ўртасидаги ўйғуныларни асосан нималарда кўрасиз?

— Инсон руҳияти бу гаралти нарса, ҳали унинг очилмаган ва ўрганишга муҳтоҳ жihatлari кўп. Руҳий саломат инсон, албатта, жисмонан ҳам саломат бўлади, чунки барча хасталикларнинг асосий негизи

зи руҳиятдадир.

— Сиз амалий даволаш билан ҳам, илм билан ҳам, бадиий ижод билан ҳам изчил шугулланасиз. Бадиий ижод билан шугулланишингизга нима сабаб бўлган?

— Ёшлигимдан жуда кўп китоб ўқирдим, ўзири ҳам шундай. Институтга киргунимча қишлоғимиздаги кутубхонада мен ўқимаган бирорта шеърий ва насрой ки-

лари ва узун шапкаларига менинг ҳавасим келар эди. Мен ҳали етук олим эмасман, лекин ўз касбинни севадиган олим ва шифокор бўлишимига барча устозларимнинг ҳиссалари бекиёс деб биламан, айниқса устозим, профессор С.А.Хасанов олдарида мен доимо таъзим қиласман.

— Тиббиёт ҳам, фалсафа ҳам инсондаги 5 та хисни эътироф этади.

## УЧТА БАХТДАН БАҲРАМАНДМАН

### тиббиёт фанлари доктори, профессор Шавкат ОМОНОВ билан сұхбат



тоблар қолмаган. Онажоним Матлаб опа ўзбек тили ва адабиётидан дарс берар эдилар (умрлари узок бўлсин). У кишининг ҳам ўйда тўплаган ҳамма китобларини ўқиганман. Шифокор бўлганимдан бери ҳам шуҳислат доимо менга ҳамроҳ. Бадиий ижодга турти бўлган нарса, бу ҳайтингнинг сабоқлари, бошимдан ўтказган кунлар ва кечинмалар. Чунки инсон тили билан айтолмайдиган ва дилида жо бўлган тўйғуларини шеър сатрларига солади. Буарни жамлаб 2005 йилда «Умид билан севдим» деган тўпламимни чоп этганиман.

— Ҳаётингизда сизга энг кучли таъсирир кўрсатган бирор воқеанини гапириб берсангиз. Токи бу воқеани сизнинг етук шифокор, олим бўлиб этишишингизга сабаб бўлган бўлса?

— Менинг тиббиётима қадам кўйишимга тогам Холмурод ака сабаб бўлганлар. У киши киядиган бежирим оппоқ халат-

Булар — кўриш, сезиши, эшиши, хид билиш, таъм билиш. Олтинчи туйтуб ҳақида ҳам гап бор-ку, лекин бу алоҳида мавзу. Сиз айни шу беш сезигининг учтасини хосил киладиган органлар билан ишлайсиз. Демак, уларнинг мўъжизавий жиҳатлари ҳақида нималар деб оласиз?

— Инсон танасида ортиқча нарса бўлмайди. Эшишиш фаолияти инсониятга берилган олий сезигилардан биридир. Болада эшишиш азоси ривожланмаса (тўғма ёки ортирилган сабабларга кўра), унда ҳеч качон нутк тўла шаклнамайди. Эшишиш — бу ўта мурракб жараён хисобланади, каранг-ки секунднинг бир неча милли кисми мобайнида товуш қулоқка кириб, тезда нерв импульсига айланниб, миягача боради, мия уни англаб-фахмабад яни анализ қила олади ва унга монанд равища тилга сигнал бориб, муз-

каммал жавоб ҳозирланади. Бу Оллохнинг беҳисоб иноятларидан биридир. Айтишларига қараганда, кар инсон кўр инсонга нисбатан ҳаётда кўп нарасдан бебаҳра бўлар экан, яъни кар инсон соқов бўлиши табиййидир. У бирор билан ҳамсұхбат бўлолмайди, мусиқа, күшлар сарайини эшиштайди.

Биз ҳид билиш аъзомиз кам ривожланган мавжудот сирасига кирамиз. Йиртқич ҳайвонлар, кўршапалакларда бу сезги ўта кучли ривожланган бўлади. Жанубий Америкадаги Амазонка дарёсининг кирғоқларида кўршапалакларнинг инлари бўлиб, бир инда 5000 таси бирга яшашаркан ва ҳар бир кўршапалак ўз боласини фекаттинга хидидан ахратиб олиб, эми заркан. Қандай мўъжиза бу? Турлича ёқимли хидлар инсон кайфигитига қараб таъсир қилар экан. Буни исботлаш борасида японлар таъкиба ўтказишган: 2 та гурӯх талабаларга математикадан мисол ечиш таклиф қилинган. Гурӯхлардан биттасига ечиши бор мисол, иккинчишига эса ечиши эга бўлмаган мисол тақдим этилган. Биринчи гурӯх тезда мисолининг жавобини анилаган ва уларга атиргул берилганда, жуда ҳам хушбўй хидди деб қувонишган. Иккинчи гурӯх мисолни ечиши учун ҳаракат қиласа ҳам жавобини топишмаган, роса асаби бўлишган ва уларга берилган ушбу атиргулни улар бадбўй ҳис қилишиб, хафа бўлишган. Хулоса килиши мумкин, биз ўрганадиган барча аъзоларимиз олий асаб тизимишинг бир бўлгаги хисобланади.

— Шавкат ака, умр йўли ва илм ўйланинг туташувида қандай ҳикматларни кўрасиз?

— Менинг назаримда, бу саволга мантиқий жавоб ушбу ҳадисидир: «Бешинадан қабргача илм изла». Умримнинг катта кисими илим сўқмоқлари билан тутишиб кетганини менинг энг катта баҳтиmdir. Яна ям анирги, умр йўли — илм йўлидир. Илм деган бойлини ўзгальгара, шоғирд ва ўкувчиларига улашиш эса шарафли иш. Баъзан сўрашади: «сиз дўхтиримиз ёки деб? Мен эса домлаларнинг дўхтириман, дўхтиларнинг домласиман деб ҳазиллашиб қўяман.

— Оила — муқаддас тушунча. Сиз оиласининг баҳтини нимада деб ўйлайсиз?

— Ҳаётда ўзини бекаму-кўст хис этиши учун инсоннинг учта баҳти бўлиши кепа: мустаҳкам оила, севган қасби ва яқин дўстлари. Яратганга шукрки, ушбу учта баҳтдан ҳам баҳраманд, деб ўйлайман. Демак, оила биринчи навбатда мукаддасидир. «Үйнг тинч, ўзинг тинч», — деган ҳикмат бехуда айтилмаган. Менинг кўп вақтим иш жойимда ўтади, эрталаб саҳардан кун корайгунча меҳнат қиласман. Ўйга келиб бирор бўлса-да, ўз оиласи, балаларим билан мазза килиб сұхбатлашаси, чарганини ҳам унутаман. Оиласининг баҳти бу эру-хотиннинг ўзаро бир-бируни ва фарзандларини тушунишидир, бу ўз навбатида хотиржамлини яратади. Яъни, оиласининг баҳти — бу унинг хотиржамлиги деб тушунаман.

Эшкобил ШУКУР гурунглаши.

## КАШНИЧ

### ТАБИАТ — ДОРИХОНА

Кашничнинг ўй ва ёввойи турлари маҳвуд. Ёввойи турни даво учун нисбатан заифидир.

Унинг шифобахш

хусусиятлари:

- 35 гр. кўл кашнич суви ичилса, ўйқуни келтиради;
- Суви кўзга томизилса, кизичла чиқишининг оддини олади, кўз сарциклигини йўқотади;
- Куритилган нон билан эзиб кўзга кўйиб боғланса, кўздан сув оқиб, киприк тўкилишини, кўз оғригини бартараф этиди;
- Кашнич суви билан оғиз чайилса, оғиз пишиши, тища «корт» тушишидан пайдо бўлгантиш оғригини қолдиради;
- Ярим эзиб тиша ва миль-

ларга суртилса, уларни мустахкам қилиб, милқдан қон оқишини кетказади.

→ Кашнич суви асал ёки шакар билан ширин қилиб ичилса, босайланниши, кўз тинишини даволайди. Йўтал, иссиқдан нафас кисишини бартараф этиди;

→ 35 гр. сувини шакар билан ширин қилиб ичилса, иштахани очади, овқат ҳазм бўймаслиги ва ундан келиб чиқадиган кайт килишинни тўхтатади;

→ Тури шишларга кўйиб болганса, уларни тезда йўқотади. Куритилган нон билан эзиб, тарқалиб кетган яраларга, тери кўтирига ва баданнинг қичишадиган ерларига кўйиб болганса, тузатади.



→ Иккى бўлак кўроғинини кашнич суви ва қизил атиргул мойи билан бир-бирига ишқаласа ва бу ишқалашдан хосил бўлган мoddани ярага айланган ва айланмаган саратонга қайта-қайта суртилса, тузатади. Бу амалда синалган.

Зулхумор УМАРКУЛ кизи тайёрлади.

### ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГА

ЯНА ДОҒЛАР ҲАҚИДА...

→ Кийимда пайдо бўлган ўт ва барг дўғларини бир литр сувга солинган бир ошиқ нашатир спирти билан кетказса блади.

→ Йод дўғини аввал совуқ сув билан ҳўллаб, кейин устига крахмал сепиб кетказиш энг кулаусул.

→ Музкаймок кийимда ёф дўғини хосил қиласди. Уни бензин ёки керосинда кетказиш осон.

→ Оқ ип ва зигир толасидан тўқилган газламадаги пиво ва оқ вино дўғини совун, сода билан ювилгаг, бир литр сувга иккى ошиқ ароқ ёки спирт қўшиб тозалаш мумкин.

СОЧ ЭМАС БУ...

→ Қайнаган сувдан ташқари ёмғир суви ҳам сочни юмшатади.

→ Бошни чайқашдан олдин сувга бир неча томчи сирка ёки лимон суви кўшилса, у майинлашади, ялтирайди.

→ Қишиш сармик рангдаги сочга мойчечак дамламасини ишлатса, соч тилла рангга киради.

→ Соч калта бўлса, уни илдизидан, узун бўлса, учидан бошлаб таралади.

Б. СУЛТОНОВА тайёрлади.



**Менга ҳамкасаба сифатида қадрдан бўлиб қолган бир аёл бор эди. Бир йилча аввал бошқа ишга — нисбатан "замонавий"роқ ва табиийки, маоши кўпроқ жойга ўтиб кетди. Бирга ишлаганимиз учунми, уни жуда хурмат қиласадим. Одоб-ахлоқи, ибо-ҳаёси, билими ва қасбига меҳр-муҳаббати баландлиги боис, кўплаб ёшларга ибрат қилиб кўрсатганиман. Яна у рус, тохик, инглиз тилларида ҳам бемалол сўзлаша оларди.**

Яқинда у билан бир масала юзасидан утрашиша тўғри келиб қолди. Тушлика таклиф қилдим. Утрашув жойида... ишонасизми, уни танимай қолай, дедим. Жудаим ўзгариб кетган. "Замонавий" имижини яратиб олибди. У пиво буорганида мен аввалигни тасаввурларимдан умид уза бошладим. Нихоят, тушиш сўнгига у сумкасидан сигарета олиб, ёч бир истиколосиз менинг олдимда бамайлихотир туттаганида... унинг тамомила "бошқа одам"га айланганини хис этдим.

## ЧЕКАЁТГАН АЁЛ: КЕРАКЛИ ГАПЛАР ДАРДИНГИЗНИ АЙТИНГ...

Албатта, у ўз ҳётини қандай истаса, шундай ўзгартириб яшашга ҳақли. Биламан, бундан ҳолатта ажабланишимнинг ўзи галати. Чунки эндиликда ўзларини ўта "замонавий" тутаётган аёлларнинг, ҳатто, ёш талаба қизларнинг сигарет чекишига кўникуб қордик ҳам.

Эркакларнинг зарарли одатларини жуда тез ўзлаштираётган қизларимизни қандай қилиб инсофга чакирса бўларкин-а, деб ўйлаб қоламан. Наҳотки, уларнинг ичлари шунчалик дард-хасратга тўлиб кетган бўлса? Нега улар чекишини аламзадалиқдан халос бўлиши йўли деб хисоблайдилар. Мабодо, чекиши замонавийлик белгиси бўлса, бу кашанда қизларга ўйланадиган йигитларнинг тақдирни не кечиши мумкин?


Анча танилиб қолган аксарият хонанда қизларимизнинг сажна ортида чекишиларини кўп кузатмиз ва бу одат афуски, уларга ҳавас қилган қизалоклар эътиборидан четда қолмайди. Тамаки "тарғибот"ига замонавий кино, телесериаллар ҳам яхшигина хисса қўшади. Турк, корейс, Бразилия, Мексика серияллари, шунингдек, Европа, Америка, хинд кинофильмларидаги турли ижтимоий турмуш манзараларида ёшларнинг ҳаётини чекиши одатлари билан биргаликда бемалол, оддий холдек

тасвирланади. Маълумотларга кўра, ривожланган мамлакатлардаги олий ўкув юртларининг юкори курс талаба йигитлардан 90 фоизи, қизларнинг 60 фоизи чекар экан. 17 ўшли қизларнинг 76 фоизи эса оиласда оталарнинг чекишиларига тақлид қилиб чекиши ўрганинг аниланган. Москва шаҳрида яшовчи 700 нафар ўкувчининг анкеталари

аниланган. Иккинчи омил, қизлар кўшиладиган янги давра ёки гурӯҳ. Учинчиси, ҳаётда ҳамма нарсанни синаб кўришга бўлган иштиёқ.

Энг ёмони — организмнинг тамаки хидига ўрганиб қолиши. Бу кўринишдаги хумор эса иродани ўлдиради.


Маълумотларга кўра, 2000 йилдан бошлаб дунёнинг айрим мамлакатларидаги сигарет кутилалигига чекиши туфайли юзага келадиган касаллик асортларининг ҳунук тасвирлари ҳам чоп этила бошлабди. Бунинг учун



ройли, ялтироқ кутилари устига бир-биридан жарагандор, каттакатта, чиройли ҳарфларда, кўзга ташланни турадиган қилиб ёзилбўйлилариди: "Pall Mall", "Marlboro", "Like Strike", "Esse", "Pine", "Camel", "Kent", "Parlament", "Carson" ва ҳоказо. Аммо "Тамаки чекиши соғлигингизга зарар!" деган огохлантириш сўзлари эса кути остида кичкинчига, кўринимас тарзда ёзилган бўлади. Йўқ, бу билан тамакининг инсон соғлигига зарарли эканлигини тушунишиб бўлмайди. Яхшиси, бу огохлантиришни ёзилбўйтирасдан, шунчаки бу зарарли маҳсулотнинг номларини алмаштириш керак. Масалан, сигарет кутиси устига катта ҳарфларда уларнинг номларини "Ўпка сили", "Сил" деб ёзилбўйса, бўлмаскин? Бир куни растролардан "сигарет борми", десураганлар кашандаларга "Сиззага қанақасидан керак?" "Инфарктим", "Ўпка сили"данми ёх, хоҳласангиз, мана "Рак"дан ҳам олаверин, сал аэропор, деб туришаси... Қандай бўларкин-а?

**Хуллас, қизларжон, сизлардид илтимос, келажагингизга ўтимлос. Сиз инсониятнинг гўзаллигига тимсолсиз. Сизга фақат гўзал одалар яратади.**

Кувондик СИДДИК



тахлил қилиб чиқилганида, уларнинг 43,2 фоизининг чекиши маълум бўлди. Яна 19 фоиз ўсмир-қизларнинг оиласида ҳам отаси, ҳам онаси кашандар экан...

Демак, гўзал қизларимизни гайрихитъёрий тарзда чекиши ўргатадиган сабаблар манбаи аввало оиласидаги муҳит эканлиги

махсус қонун қабул қилинниб, унга кўра, одамларни тамаки маҳсулотларининг зараридан огохлантириш учун бундай усул ёнг самарали хисобланар экан...

Яқинда бир қизикчининг сигаретлар билан боғлиқ ҳангомасини эшишиб қолдим:

"Сигарет номлари унинг чи-

Аллома Аҳмад Дониш фарзандларига насиҳат қилиб: «Суратларнинг эмас, сийратларнинг тузатинглар», деган экан. Дарҳакиқат, инсоннинг ички дунёси гўзал бўлиши керак. Бугунги кунда одамлар бир-бирининг ташки кўринишинга қараб баҳо берадилар. Аммо инсон гўзал бўлгани билан унинг кўнгли ёмон сўзлар, ҳаракатларни ўтган бўлса, ташки чиройнинг не кераги бор?

Инглиз тили ўтичумиздан айтиб берган бир воқеа њех эсимдиндам чикмайди.

«Катта бир анжуманга таклиф этишид. Иштирокчилар турли жойлардан келишишади.

## СУРАТГА ЭМАС, СИЙРАТГА БОҚИНГ

ган экан. Улар орасидаги иккى аёлни беътиёр кузатдим. Бир энг сўнгти модада кийинглан, кўпчиликнинг эътиборини торадиган дараҷада ўзига оро берган, маҳмадона, иккинчиси эса камтарин, одимиғина кийиниб, ҳадегандага ўзини давраларга уромай, чеккаркоқда ўтирадир. Кейин билсан, иккаласи ҳам бир худуддан экан. Анжуманда савол-жавоб, мунозаралар ҳам бўлди. Шунда ҳалиги, кўпчилик ташки кўринишинга қараб маҳлиб ўтган аёл биринчи саволга жавоб берадан, ўзининг саводсизлигини кўрсатиб кўйди. Ёх кимнинг эътиборига тушмагани эса барча масалалар бўйича ўтказилган баҳс-мунозараларда айтган асосли жавоблари билан ҳаммани ҳайратда колдирди...

Ана, кўрдингизми, ташки гўзаллигингиз, сунъий чиройнинг ўтина қанчалар кисса бўлар экан. Бу ҳаётда ички дунёни мизни меҳр, кувонч, муруват, севинч шодликларга тўлдириб ўтишади. Улардан ёнимиздаги, атрофимиздагиларнинг ҳам кўнгиллари тўлсин.

Чарос НИЗОМИДДИНОВА,  
Фарғона вилояти, Риштон тумани.

## ҲАММА БИЛИШИ ШАРТ!

тарғиб этишдан чарчамайди.

— 70 — йиллари Тиббиёт институти тутагиб, иш бошлаган бўлсан, ўша пайтлардаги яшаш тарзимиз билан ҳозирги кундагисини киёсласак, еру осмонча фарқ бор — **дэйди Сайфиддин ака.** — Энди ҳаёт ўзгари, давр ўзгари, шу билан бирга одамларнинг ҳам тафakkор дараҳаси бутунлай бошқача. Бугунги кунда аҳоли ўртасида тиббий маданийтиш шакллантириши ва тарғиб қилиш ниҳоятда мухим вазифалардан биридир. Нега дессангиз, ҳамон одамларнинг ўз саломатлигига беларво муносабатда бўлиш. Оқибатидан турли хил кўнгилсизларни кибичаяпти. Ҳалқимиз орасида: "Касалликни яшишсан, иситмаси ошкор бўлади" деган гибор ҳам бежизга айтилмаган. Шу боис марказимиз томонидан уюштирилаётган турли мавзулардаги юзма-юз мулокотлар ва давра сухбатлари мавзуси ёнг катта боилийгимиз — соғлигизни химоз қилиш билан бевосита боғлиқ бўляпти.

Шу баҳонада ҳар биримиз кундалик коида сифатида амал қилишимиз керак бўладиган айрим ҳаётий талаблар ҳақида тўхтамоқиман. Масалан, унумли меҳнат, марокли дам олиш, бадантарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш, шаҳсий гигиеник тартибларга қатъий риоя этиши, режалаштирилган суръатда овқатланиш, турли хил зарарли одатлардан воз кечиши... булар ҳақида гапирсангиз бальзиларнинг энсаси хотади. Ана шунда "коти оғайни, ўзи канча умр кечирмоқчисан?", деб сўрайман чидмоладисдан. У бўлса "пешонага қанча ёзилган бўлса шунча-да", — дейди бепарво бўлиб. Мен эса: "Йўқ, ким

→ Тарбия, мумомала маданийтиш шаклланган оиласидан ёмон одам чикмайди.

→ Салом-алик ҳар биримиз учун фарз эканлигини биламиш, лекин... кичкинамиз кўчадан ўйнаб келса ёки эрталаб ўйғониб ҳархаша килса, "майли, кейин юз-кўлнинг юварсан" деб кўямыз. Айнан ана шу бепарвонгимиз эртага кимматга тушишини ўйламаймиз.

→ На кун тартибига, на соғлом турмуш тарзига риоя қилишни билимиз...

Бу ёзувларни Бекобод шаҳар "Саломатлик" марказида услубий шифокор бўлиб ишлайтган Сайфиддин Жалиловнинг кундаги дафтаридан кўчириб олдик. Деярли ҳар куни қаёра ким билан кўришиша, ёки бирор учрашув-тадбирга борса, у дастлаб гапни соғлом турмуш тарзига боғлиқ кузатувларидан бошлайди. Бу ҳам бежиз эмас. Негаки, сал кам кирк йилдан бери тиббий маданийтга оид олган билимларни одамлар ўтасида

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Салим эрталаб хотинини автобусда дўхтирохонага олиб борди. Аёллар дўхтирига талабгорлар кўлиги боис бир кундан кейин келиб кўриниш учун нахват қозоги олиши.

Эртаси куни врачи бориши учун ишдан вактилро кетиши керак эди. Бошлиғи — Салтанат опадан рухсат сўради. Ёши эвликларни қоралган бўлса хам ясан-тусан, пардоз-андозни жойига кўядиган бу аёл анча қизиқувчан, каттиқўл, чеварларни гаҳ деса кўлига кўнадиган килиб кўйганди. Салима тўгрисини айтишига мажбур бўлди.

— Хмм... дўхтирига динг, — опа саломлани галирди, кўзларига синчковик билан қаради. — Айтинг-чи, бу... кўёблоланинг... мижози дурустни ўзи?

Салима дабдурустдан опанинг нимага шама килаётганинг англомади. Ногоҳ қимтилган лаблар ва бўялган кўзларда ўйнаб турган бехаёт табасум маъносини уқди-ю, дувва кизарип кетди.

— Яна кўнглингизга олманг, ҳаддим сиғиб сўраяпман. Дардингизни менга айтмасангиз кимга айтасиз, алдан! Балки бирон ёрдамни тегиб қолар...

Лоп этиб хаёлига ола ҳакида эшитган турли мишишлар келди. Наҳотки ўша гаплар рост бўлса? Нимага ишора қиляпти ўзи?.. Тавба, бунақа ҳамма нарсадан шубҳа-ҳадик киладиган одати йўқ эди-ку. «Ургилдим бунақа меҳрибончиликидан!», — деб кўйди ўзича.

Салима орқасига ўгинилмаса ҳам опанинг то чиқиб кетгунча қаттиқ тикилиб турганини сешиб қолди. Кўнгли негадир гаш тортди. Бирор билан нима иши бор? Бу ҳақда у энг яқин сирдошига ҳам очиқ-ойдин гапиролмайди-ку! Демак, фарзанд кўришмайтганидан онаси ҳам ўзича куйиниб юриди. Кўзимининг тиригига невара кўриб қолсан дейдиди. Кизини мажбуrlаб, биринки марта эскича расм-руслу мини ҳам қилдири: ўқитди, қон чиқарди — бўлмади.

Аёллар врачи ёши қайта бошлилаган, аммо хусну малоҳатини ҳали йўкотмаган, хушрўйгина рус хотин Салимани анча ҳафсалга билан кўриб, яна қайта келишини тайинлади. Салима бир неча кун қатнади, ҳар хил текширувлардан ўтди. Дўхтири унда хеч қандай касаллик аломати йўқлигини, энди эри текширувдан ўтиши лозимигини эслатди.

Салима кечқурун бор гапни очиқ айтди. Дўхтирига учраши ортиқ пайсалга солманг, деб ялинди. Салим шигла тикилганча индамдан ётаверди. Салима, дарди ичиди, эрининг оғзини пойлади.

— Шу... ҳалиги... нокулай бўлмасмикин, дейман? — Салим кўйналиб гапирди. — Айниқса, эркак кишига... ғалати-да. Дўхтирига борганимдидан таниши-билиш кўриб қолса, нима бўлади? Дўйлидек жойда ҳамма бир-бира ни танийди. Худо кўрсатмасин, мабодо дўхтиринг бирон ишқал топса (ҳозир соғ одамнинг ўзи йўқ), бу гап овоза бўлиб кетса, кейин қандай бошкотари юраман?

— Унда шундай юраверамизми? — Салима мавриди келганда эрини кўндириласа, кейин бу ҳақда яна гап очиқ кўйин бўлишини билди. Бўш келмасликка аҳд қилди. — Мана уч йил бўлди, менинг келганимга. Тушунинг, ҳаммасидан ҳам одамларнинг гап-сўзи гиҷада кўйин экан. Сиз хотиннинг билмайсиз, сал нарсага дарров... юзимга солишиади. Ўйлашмайди...

— Ким шундай дейди? Менга айт — жагини айриб кўйман! — Салим кўлла-

рини мушт қилиб, ёстиқча бир тушириди. — Эмон билан тенг бўлгунча ўзимиз тезроқ ҳаракатимизни қилганимиз тузук. — Салима гап оҳанганини керакли томонга тўғрилади.

— Бўпти! Индинга учрайман ўша ... дўхтирингга! Факат бир марта бораман. Кейин бошимни қотирмайсан!

— Хўп! — Салима «хайрият» дея енгил нафас олди. Эрини қайта безовта килмади.

\* \* \*

Салим айтганини қилди. Ўзини мажбурлаб, ҳудди бўйнидан боғлангандек бўлиб, врачи учрашиди. Факат бир карара йўлиқчанди иши битмаганидан хубоби ошиб, ноилоҳ янга борди. Врач даволаниши қераклигини айтиб, доридармонга йўлланман ёзиб берди. Салим тарвузи кўлтиғидан тушиб, ташкарига чиди. Автобус кабинасида рул-

## Шодмон ОТАБЕК

та дўхтири ҳам ўша гапни — жиддий даволаниши лозимигини маслаҳат берди. Муолажа йўлларини батафсил тушунтириб, кўлига дори-дармон учун ёзилган бир тутам когоз тутқазди.

Салим олдинги дўхтиринг хуласаси янглиш бўлиб чиқишини жуда-жуда истаган, шунга умид боғлаган эди. Ағуски, иккенинг гапи ҳудди ўзаротил биритиргандек, бир жойдан чиқди. Демак... Энди нима қиласди? Наҳотки даволанишига муҳтоҷ бўлса? Бу қандайдард эканки, кўзга кўринимаса, ўзига билинмас, аммо бутун баҳтиҳаётига раҳона солса?! Бошга тушганни кўз кўрар, таваккал деб ўша дўхтириларнинг айтганини ҳам (акс холда ба ҳам бир армон булиши мумкин) қўлсин. Хўш, нафи бўлармики? Балки онаси айтганидек, бошқасига улланниб кўрсими? Кейинги вақтларда

да факат онаси эмас, ошина-օғанийлари ҳам шу маслаҳатни беришпяти. Ҳозирча бу фикрни хаёлига йўлатгиси келмади. Кейинги вақтларда турли таниш-нотаниш давраларда, ҳар хил улфатчиликларда бола-чақадан гап очилса, ўзини кўярга жой тополмай бозовтавланади; шунда ногоҳ «Балки ўша маслаҳатларда жон бордир», деган фикр миясида айланада бошлайди. Шу заҳоти кўз олдига Салима келади: унда нима гуноҳ? Тегаман деб бўйнига осилиб олмовди-ку!

Ахир, унга эришгунча озмунча азият чедими? Йўқ-йўқ, бошқасини умр йўлдоши сифатида тасаввур килолмайди. Ахир хотини дегани сиғир эмаски, кисир чиқиб қолса, бозорга олиб бориб, сотиб юборсанг.

Салим ўзини муракаб бошқотирмада ягона тўғри юришини топишига мажбур бўлган шахматчидай хис

қилди. Вақт эса танқис — юраги соатнинг чиқиллашига монанд уради. Оғир вазият — «цейтнот»да тўғри юриш қишия янда мушкул. Шахматда четдан бирорвоннинг аралашуви, ўргатиши мумкин эмас. Шахсий турмушингдаги нозик масалада ҳам бирордан маслаҳат сўраш нокулай. Сирингни бирорвонга бердигни — тамом, ўша кимсаннинг кулига айланасан.

Салим дўхтириларга қатнагани, шунчалик оварои сарсон бўлгани, бутунлай беҳуда бўлиб чиқишини ҳам истамасди. «Э, мендан нима кетди?» деди-ю, шаҳардаги катта дорихонадан буюрилган маҳалларни ҳарид қилишга аҳд қилди. Ўша ердан олгани маъқул — бирор танимайди, ўзлари томонда хавфли — биронтасининг кўзи тушиши мумкин.

Дориларнинг бир қисми сотовуда йўқ экан. Ҳафсаласи пир бўлди. Салим уларни шаҳардаги бошқа дорихоналардан ҳам қидириб тополмади. Боши қотиб, баттар тажон бўлди. Бир ками энди таниш орқали қидириш қолуди. Ўзимга эмас, бирорвонга деб айтгани деса, йўлланма унинг номига ёзилган. Ҳай майли, ҳозирча борига барака. Шифосини берса, шунисиям кифоя килади.

Лотинча ёзуви катта-кичик кутиларни халтага жойлаб, уйга жўнади. Хотинига нима дейишни ўйлаб, яна сиқилди. Энди айтмаса бўлмас. Ҳар қалай, бегона эмас, кўз очиб кўргани. Эр-хотин — кўш хўкиз дейишади. Унга айтмаса кимга ёрилади? Колаверса, бу... иккенинг дарди-ку!

га пешонасини босганча шалпайиб ўтириб қолди. У ҳар қандай кўргуликка, тақдирининг ҳар қандай синовига чидаши мумкин, факат бунга, бундай иснодда токат қилолмайди. Ҳа, буни ўзи учун иснод, шармандалик деб билади. Йигитлик фурури, ор-номуси буни қўтаришмайди. Бундай бўлиши мумкин эмас! Дўхтирилар ҳам ҳар хил бўлади: зўйидан фўри кўп. Ҳар эҳтимолга қарши бошқасига ҳам бир учраб кўйтанимайди.

Салим хотинига дўхтирининг гапини айтиб ўтирилди. Ишдан кечроқ қайтадиган, байзан ичиб келадиган одат чиқарди. Оқшом дастурхон устидага кўп гапирмас, чаргачанини баҳона қилиб, тезроқ ўрнига чўзилиш пайида бўлар, аммо ичкарида ҳам очибиб ёзилмас эди.

Салима хавотирига тушиб қолди: наҳотки совуган бўлса? Йўқ-йўқ, тушкунлик-совуқлик сабаби фақат битта — зурёд йўқ! Эридан дўхтирига учрашидингизми, деб сўраган эди, Салим жеркиб кўндириласа, ишқални ташлади. Боёқиши хотиннинг дами ичига тушиб, бошқа бу ҳақда оғиз очмади.

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Салим то бошқа дўхтирига кўриниб, ишқални узилкесил бир ёқли қўлмагунча кўнглидаги гашлик тарқамаслигини сезди. Ишдан иккни кунга рухсат олди-ю, хотинига хизмат сафарига кетапланмади, вилоят марказига жўнади. У ерда зўр дўхтирилар бор, улар янглишмайди!

Бахтга қарши катта шаҳардаги кат-



## ОЛАМ

### ЭНГ МИТТИ КУЧУКЧА

Сиз суратда кўриб турган кучукчанинг лакаби Дақи (Ducky). У 2007 йилдан берин дунёдаги энг митти кучукча сифатида Гиннес китобининг рекордчиси саналади.

Дакининг бўйи 12,5 см, вазни эса 635 грамм. Хўжайини итларнинг ноёб «чиҳуаха» турига мансуб бу кучукчанинг вакъллар 5000 долларларга сотиб олган эди. Аммо рекорд натижасига эришади.



гач, кучукчанинг нархи бир неча баробар кўтирилиб кетди.

Анъанага кўра, итлар ўртасидаги «энг митти» номинацияси бўйича «чиҳуаха» ва «терьер» турлари беллашадилар. Шу ўринда бир нарсага аниқлик киритиш керакки, қачонлардир бизнинг сайдера мизда йоркшир митти «терьер» и яшаб ўтган. Унинг бўйи бор-йўғи 7 см. бўлган. Бу рекорд ҳалигача таорларнади. Аммо, «чиҳуаха»лар «бугуннинг энг миттилари» сифатида етакчиликка ўтишиди. Ва Дақи согомон югуриб юраркан, ҳозирча бу рекорд у билан қолади.

## ЎРАМА КУРСИ

Бир пайтлар японлар тўртбурч тарвузларни етиширишни бошлаган эдилар. Бундай тарвузларни машиналарга юклаш кулаид бўларкан. Кулайлик борасидаги кашфийлар хамон давом этмоқда.

Яқинда ливтавлик дизайнер Урош Витас йиғма курсиларнинг ўзи ясаган антика шаклини тақлиф килди. Аслида бу курси йиғиладиган эмас, балки ўрадидигандир. Ўрама курси ёғоч булаклари ва қайшисимон синтетик материалини ташланади.



алдан тайёрланган бўлиб, катта ёшадиги одам бемалол ўтираса бўлади.

Биринчи бор одам курсининг ўралган ҳолда ётганини кўрса, унинг ахоли мебель эканлигини тасаввур килолмайди. Фойдаланмаган пайтда ҳам у ортиқча буюмдек кўзга ёмон ташланмайди, шунчаки унчи ўраб, ўйнинг ёки офисининг бир четидаги сақласа бўлади. Дам олиш учун дала ҳовлига отланганда ҳам у машина юхонасидан муаммозиз жой олади.

Наргиза САРИМОВА тайёрлади.

**«Хурматли таҳририят ходимлари, ушбу мактубни ёзиш-ёзмаслик ҳақида узоқ ўйладим. Лекин қалб изтиробларимни кимгадир айтиб, дардлашмасам, ўзимга оғир бўлишини сезиб, охири сизларга хат йўллашга қарор қилдим.**

Фарзанд — Яратган томонидан ато этилган улуғ неъмат. Уни дунёга келтирган ота-она ўз жигаргушасини ҳар қандай озорлардан химоя килали. Агарда бу фарзанд ота-онанинг хатоси туфайли туғилганда ҳам унга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайди. Чунки у бегуноҳ. Ёшлик-бебошлигининг хатолари туфайли туғилган ва туғруқхоналарга ташлаб кетилган болалар ҳақида кўп эшигандим. Одатда бундай «тирик» етимлар кўча-

### ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

лигини айтди. Ёшлидаги хатолари учун мендан кечирим сўради. Шунчка йиллардан бери менинг борлигимдан бехабарлиги, энди ота-бўалини ришталарини боғлаб, бир-биримиздан хабардор бўлиб туришимизни сўради. Орадан қанча йиллар утган бўлса-да, лекин барibir томиримда қони оқаётган падаримни топганим мен учун ҳам энг катта баҳт эди. Аммо бу баҳтнинг тўкис бўлиши учун ўз онамни ҳам то-

гда, «алла» айтиб ухлатолмадим. Биринчи бор кўлингта қалам ушлаб, «Она!» деган сўзни ёзганингда кувонидан ўзимга симай, сенинг пешонангдан ўпиш насиб этмади, кечир мени кечиролсанг болам», деб бағрига босади, деган хаёллар огушида хузурига учбি бордим.


Аммо... мен қаттиқ адашган эканман. У шифоҳонанинг узун коридори бўйлаб юрни кеди-да, интеҳозо араИаш: «Ким мени сурраган эди?» Бундай мумомалани кўриб, нима дейишигайм ҳайрон қолдим. Охири: «Мен сизни бир кўрмокчи эдим. Мен... ўғлингиз...» дейишимини биламан, у ваҳоҳат билан: «Сен менинг ёшлигим — бебошлигим мевасисан. Ўтиз йил бўлди, сени ташлаб кетганим. Эшигдингми, сени танимайман, билмайман. Мени бошқа безовта қилма!» —

# «Онам мени тан олмади»

да ҳам қолиб кетмайди. Уларга давлат, қолаверса, бағрикен одамлар муруват кўрсатади. Аммо, фарзандини ташлаб кетган ота-оналарчи? Улар ўз қонлари оқиб турган зурийларининг тақдирни билан кизиқшадими? Ёшлида йўл кўйган хатони улгайб, ҳаётнинг турли синовларини бошдан кечиргандан кейин бўлса ҳам тузиатига уринишадими? Бундай оғрикли саволлар жуда кўп. Аммо жавоблар-чи? Мен... биласизми, мен ўзимнинг шўр қисматидан келиб чиқиб, бу саволларга жавоб топмоқчи бўлдим. Лекин сал ўтиб, бундай кўнгилсиз ишга жазм қилгани очиги, жуда афсуландим.

Мен... вилояти, ... туманида отам Мажҳам ака ва онам Тургуню опаларнинг ардоғида кийинчлик кўрмай, ўсиб-улгайдим. Улар менинг ҳеч кимдан кам қилишадими, оқ ювоб, оқ тараб, бор меҳр-муҳаббатларини бериб, вояға етказиши. Ўқитиб, ўйлантириши. Ҳаётимдан нолимайман. Рисоладагиdek оилас, шириндан-шакар уч фарзандом бор. Тақдир мени бу томондан сийлаган. Шу кунгача дунёда мендан баҳти одам йўқ эди, гўё. Отам дунёдан ўтганидан сўнг, бир ачик ҳақиқатни билиб қолдим. Мен отам-онам деб юрган азиз инсонлар аслида менинг ўз ота-онам эмасликлари, фарзандлари булмагани учун мени туғруқхонадан асрар олишгани маълум бўлди. Табиийки, бу мен учун оғир зарба бўлди. Саклаб олган ота-онамга нисбатан меҳрим зарраҳа камайгани йўқ, аксинча, янада зиёда бўлди. Аммо шу кундан бошлаб, «ўз ота-онам кимлар, нега улар мени туғруқхонага ташлаб кетишган, кейинги тақдирим билан кизиқшадими?» деган саволлар тинчлик бермади. Ва уларни кидири топлишига аҳд килдим.

Нихоят, тинчликни уринишлардан сўнг отам ҳақида маълумот топдим. Унинг чўл туманиндан бирорда яшаётганини аниқладим. Хозирги кунда оилас, фарзандлари бор экан. Ҳатто у киши билан учрашдим ҳам. Отам мени тан олиб, кўрганидан курсанд-



Пишиш кераклигини англадим.

Ва ишонасизми, излаб-излаб, охири онамнинг ҳам кимлиги ва кеарда яшашигача аниқладим. У киши нуғузли шифоҳоналардан бирида ишлар экан. Катъий қарорга келдим: кўришишим шарт!

...Эртага ўз түқкан онам билан дийдорлашмок учун йўлга чиқаман. Ҳаяжондами, билмадим, туни билан миёнка қоқмадим. Ҳаёлдимда ўз онамни мунис, меҳрибон, муштиргарина аёл деб тасаввур қилдим. Тонга яқин кўзим илиниди, тушимда тасаввуримдаги онам кўзларида севинич ёшлари билан: «Кела қолгин болам, бўй-бастингни бир томоша қилай, шундай йигит бўлдингми-а? Мен сенинг кечаки йиллардан бери бир кўрмоққа муштоқ эдим, кела қолгин, болажоним», деб кўлларини чўзиг турганим. Ўйганинг кетсам, тушим экан. Эрталаб йўлга отландим. Шахара етиб келгунимча, кўнглимдан камдай ўй-хаёллар ўтганини бир ўзимни, Худо билади.

У менинг бир марта бўлса ҳам кўришини истагандир. Ҳозир менинг кўриб, севинидан ўзини йўқотиб кўйса керак. «Кечир, болажоним, сени дунёга келтириб, оналик меҳримни бера олмадим. Илк бор атак-чечак кўлганингда кўлингдан тува олмадим. «Она!» деб тилинг чиққанида айтган илк сўзларинги эшитиш насиб этмади, тунлари йиглаб безовта бўлганин-

деди-да, ортига бурилиб кетди...

Бошимдан бирор совук сув кўйгандек бўлди. Менинг тасаввуримдаги она сиймоси бир лаҳзада саробга айланди.

Наҳотки... ахир, мени юрагининг бир парчаси, жигаргушасини тан олмаса! Тўккис ой кўкси остида саклаб дунёга келтирган норасидасини нафакат ҳаётдан, хотто ҳаёлдидан, ҳам чиқарип ташлашга бу аёл қандай куч топа олди-я? Наҳотки, бу тошмехр онани туғруқхонада колган тирик вужуд, унинг йигланган овози йиллар давомида таъкиб этмаган бўлса! Не дейишимни билмайман, бу совук муносабатни эсласам, ҳали ҳам ўзимни кечирмайман. Негаим уни изладим? Майли, отамни топиб, кўнглим сал таскин топганинг итасмасиди? Биламан, она, сиз егаллаб турган мансабинингиз, эришган обру-этийборингизга «ташлаб кетган» болангизнинг тириклиги ҳақидаги кутилмаган хабар ярашмас. Аммо нима бўлгандা ҳам, сиз менинг тўккансиз ва кўмматга қадар менинг онам бўлбай қолосиз-ку?

Йўқ, мен сизга ҳеч қачон ёмонлигига сагинмайман. Факат бир жумбок, жавобсиз савол мени кинайнастир. Ота-оналарининг ёшлидаги хатолари эвазига дунёга келиб, ўз оналининг месхрига зор фарзандларнинг гуноҳи не?

P.S: Азиз газетхон! Ушбу мактубни хукмнингизга ҳавола этаётби, хат ёзаси ошкорга ёзиб юборган ёзленинг исмини ёзишини лозим топмадик. Чунки у ҳам ҳозир бир оиласини бекаси. Бундай воқеаларнинг тақдирига, қолаверса, тинчнига кечаттган ҳаётига акс таъсири этиши мумкин. Балки буни мактуб ёзасининг онаси ўқиб қолса... яна ўйлаб кўтар. Негаки, унинг кўнглини ярим фарзанди ўз волидасининг бир оғиз сўзига интиқ бўлиб кутапти.

Ўлмасконнинг хатини  
Шахноза РОФИЕВА оқка кўчириди.

## «ЭНГ ЗУККО ОИЛА» ФИКР БЕЛЛАШУВИГА МАРҲАМАТ!

### ► 1-САВОЛ

**Инсонда бир аъзо борки, уни олимлар коинотга менгзайдилар. Ҳатто унинг тузилиши ҳам коинот харитасига ўхашалигини таъкидлайдилар. Айтинг-чи, инсонга ато этилган бу мўъжиза нима?**

### ► 2-САВОЛ

**Хожа Баҳовуддин Нақшбанддан: «Сиз бу буюк мартабага қандай эришдингиз?» деб сўраганларида, у киши: «Ушоқ теришдан!» деб жавоб берган. Мулоҳаза қилиб кўрингчи, буюк аллома бу гапи билан нима демоқчи эди?**

**Голиблар учун таҳририятнинг маҳсус совғаси бор.**



**OAJK «AGRO INVEST SUG'URTA»**

**куйидаги сугурта турларини тақдим қилади:**

**■ Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт сугурта қилиш;**

**■ гаровга кўйилган мол-мулкларни комплекс сугурта қилиш;**

**■ транспорт воситаларини сугурта қилиш;**

**■ шпотека кредитларини комплекс сугурта қилиш;**

**■ тўлдаги мол-мулкларни (юқларни) сугурта қилиш;**

**■ кредитларни сугурта қилиш;**

**■ тадбиркорлик таваккалчиликларини сугурта қилиш;**

**■ лизингга олинган қишлоқ хўжалик техникаларини сугурта қилиш;**

**■ қишлоқ хўжалик маҳсулоти этишиштирувчиларнинг бўлуси бошкоғи дои экшиларидан (бўйдой, арта, сули, жавдар) кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарларни сугурта қилиш;**

**■ қишлоқ хўжалик маҳсулоти этишиштирувчиларнинг пахта экшилардан кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарларни сугурта қилиш.**

**OAJK «AGRO INVEST SUG'URTA» – бизнесда энг ишончли ҳамкор!  
ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 273-74-86 (факс), 273-74-69, 273-74-59**

## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

### УЧ ХИЛ МЕВА БЕРАДИГАН ДАРАХТ

**АБДУЛЛА ҚАҲҲОР:** «Биз иккимиз бир нарсада сира келишолмаймиз, яъни мен унинг мендан олдин кетишини, у эса менинг ундан одлин бу дунёдан кетишимни истамайди».

### ЮНУС РАЖАБИЙНИНГ АНТИКА ШЎРВАСИ

... 19 хил масалалардан ихлос билан шўрва солиб ичига кўккат ва зираворлар ташлаб, милдиратиб кўяр эканлар. Уни дастурхонга тортаётгандарларида «Буни «дори шўрва», дейдилар! «Юнус шўрва» десасим бўлаверади», дер эканлар кулиб.

**Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланиммаган кўлёзмалар таҳлил килинмайди, мулалифларга қайтарилиб, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-йч. Босишига топшириш вақти – 15:00. Босишига топширилди – 16:00.

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru  
oilavajamiyat@rambler.ru

**Бош мухаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Кабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-35, 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

**МАНЗИЛИМИЗ:**

Тошкент – 700000

Амир Темур кўчаси,

1-тор кўча, 2-йч.

Мўлжал: «Ойл

бозори ёнида

**ОБУНА ИНДЕКСИ – 176**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 0169-роқа билан 11.01.07да рўйхатга олинган.

Буюртма Г – 332. Формати А-3, ҳажми 4 табоб.

Адади – 12086

Навбати – Нигора РАХМОНОВА

Саҳифаловчилар – Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОКОВ

Мусахих – Сайдгани САЙДАЛИМОВ